



Маҳалла

ЧОРШАНБА

2014 йил 21 май,
№41 (1008)

www.mahallagzt.uz info@mahallagzt.uz

ЭНГ НАМУНАЛИ ОИЛА



■ Носир ҲАЙДАРОВ оиласи аъзolari

Соғлом, аҳил ва мустаҳкам оилалар баҳси

Оила — жамият таянчи, кучли давлатнинг мустаҳкам пойдеворидир. Ҳар бир мамлакатнинг тараққиёти оилалар фаровонлиги, унда вояга етган фарзандларнинг соғлом ва баркамоллиги билан боғлиқ. Шу боис юртимизда оила институтини янада мустаҳкамлаш, унинг жамият ҳаётида масъуллигини оширишга алоҳида эътибор қаратилиши натижа-сида намунали оилалар сафи йил сайин кенгайиб бормоқда.

■ Толибжон НИЗОМОВ
«Mahalla»

Оиланинг жамият ҳаётидаги ўрни янада мустаҳкамлаш, ижтимоий-иктисодий, сиёсий-ҳуқуқий манфа-

атларини ҳимоя қилиш, уларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, моддий фаровонлигини юксалтириш, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялашда нуфузини янада ошириш мақсадида мамлакатимизда ҳар йили анъанавий тарзда «Энг намунали оила» кўрик-танлови ўтказиб келинмоқда.

> [4]

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

Масъулиятли ва шарафли вазифалар соҳиббалари

Фуқаролар йигинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси лавозими жорий этилганига 10 йил тўлади



■ НАДИРАДОВ оиласи аъзolari

Президентимизнинг «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонининг қабул қилинганига 10 йил тўлмоқда.

■ Зулҳумор ЖЎРАЕВА,
«Маҳалла» хайрия жамоат фондининг
Тошкент вилояти бўлими бошқаруви
бош мутахассиси.

Мазкур фармон асосида республика ҳудудида 500 тадан ортиқ оила яшайдиган фуқаролар йигинларида фаолият юритувчи фуқаролар йигинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси лавозими жорий этилгани ушбу институт ривожда муҳим қадам бўлди.

Маслаҳатчи лавозимининг жорий этилиши ўз ҳудудида аҳолининг ҳурмат-эътиборини қозongan, намунали оиласи, шахсий ибрати билан барчага ўрнак бўла оладиган, энг асосийси, дунёқароши ва фикрига қўпчиликини ишонтирадиган, одамларни ўз ортидан эргаштира биладиган, маҳалласининг виждони бўла оладиган хотин-қизларнинг ушбу масъулиятли лавозимда ишлошларида қўл келмоқда.

> [3]

ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИ — АМАЛДА

Келажак бугундан бошланади

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш йўлидаги изчил саъй-ҳаракатлар кучайган сари, ушбу жараёнларда ёшларнинг фаол иштирокчини таъминлаш ҳам тобора долзарб аҳамият касб этаётир.

■ Ю.ҲОЖИЕВА
«Mahalla»

Президентимизнинг жорий йил 6 февралда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори айнан шу мақсадларга хизмат қилмоқда.

Дунёда кучайиб бораётган турли хил таҳдидлар, асосан, келажак эгалари бўлган ёшларнинг онги ва қалбини забот этишга қаратилгани билан ташвишланарлидир. Айни пайтда жаҳоннинг кўплаб мамлакатларида кузатилаётган тартибсизликлар негизига эътибор қаратсак, уларда шундай манзаранинг гувоҳи бўламыз: давлатнинг ўсиб-ўниб келаётган ёшларга, уларнинг қизиқишлари, ҳуқуқ ва манфаатларига эътиборсизлиги, ушбу ҳудудлардаги ёшларга оид сиёсатнинг ҳозирги замон талабларига жавоб бермаслиги оқибатида ноҳус воқеалар содир бўлаётгани аини ҳақиқат.



> [3]

ҚАРОР ВА ИЖРО

Ободлик ва фаровонлик янада ортган

Қамашида ташкил этилган янги маҳаллага эзу ниятлар билан «Элобод» деб ном берилди. Бугун аҳолида ана шу номга муносиб яшашга, чиройли турмуш кечиришга сиққидилдан ҳаракат қилипти.

■ Санобар БОЙМУРОДОВА
«Mahalla»

Авалло, пухта режаю лойиҳа ишлаб чиқилиб, гузар учун жой танланди. Унинг қурилишига тадбиркорлар жалб этилди. Аҳоли ҳам қараб тургани йўқ: биров гишт, яна кимдир эшик-ромларни олиб беришни ўз зиммасига олди. Ҳамжихотликда янги ниҳоллар, гул кўчатлари экилди.

Бугун маҳалла кўчаларини айлансангиз, гулу райхонларнинг ифорида роҳат туюсиз. Янги қурилаётган уй-жойлар кўзини қувнатади. Одамларнинг орзу-хаваси, гап-сўзларидан дилингиз яйрайди.

— Маҳалламизни бежизга «Элобод» деб номламадик, — дейди фуқаролар йигини раиси Баҳриддин Тоғоев. — Бу халқимизнинг фаровонликка эришгани, турмуш тарзининг юксалганига бир ишорадир. Йиллар ўтиб, фарзандларимиз туғилиб-ўсган гўшалари билан фахрланишоди.

> [3]

Ўзбекистон ва Хитой ўзаро манфаатли ҳамкорликни мустаҳкамламоқда

Авал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгашининг IV саммити йиғилишида иштирок этиш учун Хитой Халқ Республикасига таширф буюрди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ва ХХР Раиси Си Цзиньпин 20 май куни Хитой раҳбарининг Шанхай шаҳридаги қороргоҳида учрашув ўтказди. Сўхбат чоғида томонлар мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг бугунги ҳолатини юксак баҳолади ва ҳамкорликни янада ривожлантириш истиқболларини белгилашда бундай учрашувлар муҳимлигини таъкидладилар.

Давлатимиз раҳбари ўзаро ҳамкорлик изчил ривожланаётганини қайд этиб, Хитой раҳбарига самимий қабул учун миннатдорлик билдирди.

ХХР Раиси мамлакатларимиз ўртасидаги стратегик шерикликни мустаҳкамлаш тарафдори эканини таъкидлади. Си Цзиньпин Ўзбекистон раҳбари билан бундан буён ҳам яқин шахсий мулоқотни давом эттиришга, икки томонлама муносабатларда «янада юксак марраларга эришиш учун борча саъй-ҳаракатларни ишга солишга» тайёр эканини қайд этди.

Хитой раҳбари давлатларимиз ўртасида минтақавий ва халқаро масалалар юзасидан ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш лозимлигини таъкидлади. Си Цзиньпин Ўзбекистон минтақасидаги муҳим давлат эканини қайд этиб, Осиё мамлакатлари ўртасидаги ишончни, минтақада тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, ижтимоий-иктисодий тараққиёт бора-сида мамлакатимиз билан ўзаро саъй-ҳаракатларни бирлаштиришни тақлиф этди.

Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг 2013 йил сентябрь ойида Ўзбекистонга ilk давлат таширфи икки томонлама муносабатларни ривожлантиришда тарихий воқеа, мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги муносабатларнинг тобора мустаҳкамланиб бораётган асосларининг амалий ифодаси экани таъкидланди.

Тошкентда бўлиб ўтган музокаралар якуни бўйича Ислам Каримов ва Си Цзиньпин Дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома ҳамда Икки томонлама стратегик ҳамкорликни янада чуқурлаштириш ва ривожлантириш ҳақидаги қўшма декларацияни имзоладди. Шунингдек, техник-иктисодий ҳамкорлик тўғрисида ҳукуматлараро битим, иқтисодий, молиявий, нефть-газ, таълим соҳаларидаги муносабатларни янада ривожлантиришга қаратилган қатор

ҳужжатлар имзоланди.

Айни пайтда Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги алоқалар Дўстлик, ҳамкорлик ва шериклик муносабатлари тўғрисидаги шартнома ҳамда Стратегик шериклик ўрнатиш тўғрисидаги қўшма декларация руҳида барча соҳаларда ривожланмоқда. Ўзаро манфаатдорликка асосланган ушбу ҳамкорлик муносабатларининг барча йўналишларини қамраб олган. Бунда давлат раҳбарларининг ўзаро ишонч ва ҳурмат руҳидаги шахсий мулоқотлари муҳим омил бўлмоқда. Олий даражадаги учрашувлар ва таширфлар мунтазамлик касб этган.

Ўзаро савдо айланмаси ҳажмининг барқарор ўсиб бораётгани ҳам диққатга сазовордир. Масалан, сўнгги олти йилда мамлакатларимиз ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми қарийб 6 баробар ошди ва 2013 йилда 5,2 миллиард долларга етди.

Эслатиб ўтиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президенти-нинг 2012 йил июнь ойида Хитойга таширфи чоғида ўттиздан ортиқ инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга қаратилган 5,3 миллиард доллардан зиёд миқдордаги ҳужжатлар имзоланган.

ХХР Раисининг 2013 йил сентябрь ойида Ўзбекистонга давлат таширфи доирасида умумий қиймати 15 миллиард долларга тенг лойиҳаларни амалга оширишга оид 31 ҳужжат имзоланди. Ушбу ҳужжатларда Хитойдан 7,7 миллиард долларлик молиявий ресурслар, шу жумладан, Хитой компанияларининг 1,3 миллиард долларлик тўғридан-тўғри инвестициялари, ушбу мамлакат банкларининг 6,1 миллиард долларга тенг кредит маблағлари ва 0,3 миллиард долларлик давлат грантларини жалб этиш кўзда тутилган.

Ўзбекистонда Хитой капитали иштирокидаги 466 корхона, жумладан, тўла Хитой сармояси билан ташкил этилган 77 корхона фаолият юритмоқда. Мамлакатимизда Хитойнинг 71 компанияси ўз ваколатхонасини очган.

Ноҳомашё ва юқори технологияли соҳаларда ҳам инвестициявий шериклик изчил ривожланмоқда. Ўзбекистон ва Хитой ҳукуматлари ўртасида 2010 йилда имзоланган Ҳамкорлик дастури бу борада муҳим асос бўлиб хизмат қилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

ҚОНУН МОҲИЯТИ

Фаолият очиқлиги — жамоатчилик назоратининг муҳим шарти

Бугунги кунда фуқароларнинг ахборотдан фойдаланишини таъминлаш тўғрисидаги қонунчиликни ривожлантириш бутун дунёда замонавий демократик давлат фаолиятининг умумэътироф этилган мезони сифатида қабул қилинмоқда.

■ Дилбар ХОЛИҚОВА,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик
палатаси депутаты.

Шу маънода Юртбошимизнинг Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожланти-

риш концепциясида ифодаланган «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунини қабул қилиш бўйича қонунчилик ташаббуси амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонуни жорий йил-

нинг 11 март куни Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинди ва 10 апрель куни Олий Мажлис Сенати томонидан маъқулланди. Давлатимиз раҳбари томонидан имзоланган мазкур қонун матбуотда эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирди.

Эътироф этиш жоизки, мазкур ҳужжат демократик давлатимизда ривожланаётган фуқаролик жамиятининг муҳим ҳуқуқий кафолатларидан бири бўлди.

«Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонун мез-

ёрлари жамоатчилиكنи давлат органларининг фаолияти тўғрисида хабардорлигини оширишга қаратилган. Мазкур ҳужжатнинг барча — 24 та моддаси жамиятнинг глобал ахборотлаштириш шариҳида фуқароларнинг қонуний манфаатларини ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш билан беvosита боғлиқдир. Қонунда фуқароларга давлат органлари фаолияти тўғрисидаги ахборотни тақдим этиш масалалари тартибга солинган. Ушбу органлар қабул қилаётган қарорлар ва аввало, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркин-

ликлари ҳамда қонуний манфаатларига дахлдор қарорлар ҳақидаги ахборотдан аҳоли ҳамда жамоат бирлашмаларининг эркин фойдаланишини таъминлашга доир тартиб-таомиллар янги ҳужжатда аниқ-равшан белгилаб қўйилган. Бу эса, ўз навбатида, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг қабул қилинаётган қарорлар сифати юзасидан масъулиятини оширади.

Давлат органлари фаолиятига оид ахборотдан фойдаланиш имкониятини берувчи мазкур қонуннинг ҳуқуқий механизмлари

муваффақиятли амалга оширилиши фуқароларнинг давлат органлари фаолияти тўғрисидаги ахборотдан фойдаланишга оид конституциявий ҳуқуқлари кафолатини таъминлайди. Шу билан бирга, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари хизматчиларининг маъмурий маданиятини ошириш, иш юритишини оптимallasштириш ҳамда ўз фаолиятлари юзасидан жамоатчилик олдида ҳисоб бериш бўйича тартибнинг ўрнатилишига олиб келади.

> [2]



«ФУТБОЛИМИЗ КЕЛАЖАГИ»

Кичик майдонларда
тобланар иқтидорлар

Ёш авлоднинг ҳар томонлама етук инсон бўлиб вояга етишиши учун зарур шарт-шароит яратиш, бўш вақтини мазмунли ўтказишга қўмаклашиш борасида «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви ҳамда унинг ҳудудий бўлим ва бўлинмалари томонидан қатор ишлар амалга ошириляптир.

■ М.ЖҲҲҲҲҲҲҲ.

Хусусан, анъанавий «Футболимиз келажаги» республика турнирининг туман кубокларига аллоқачон старт берилди. Пойтахтимизнинг Миробод туманида «Футболимиз келажаги» турнирининг туман босқичи ташкил этилди. Унда ҳудуддаги маҳаллаларнинг 9-10, 11-12, ҳамда 13-14 ёшдаги болалари куч синошди.

— Бўлинмамизнинг «Соғлом бола йили» Давлат дастури асосида ишлаб чиқилган жорий йил иш режасидан ўрин олган «Футболимиз келажаги» турнирини ўтказиш жараёнида қўллаб-қўллашнинг иқтидори бўйи кўрсатди, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Тошкент шаҳар Миробод тумани бўлини раиси ўринбосари Абдусамид Саидазимов. — Кубок мусобақаларида ўнлаб болалар ва ўсмирлар нафақат куч синошди, балки ўзаро дўст тутишиб, бир жамоа бўлиб мақсад сари олға интилишларини намойён этдилар.

Қизгин ва мурассасиз кечган



«КАМОЛОТ» КУБОГИ

Ҳар бекатда
жўшқинлик ҳамроҳ

Ёшлик — инсон умрининг орзуларга лиммо-лим фасли. Зеро, ёшликнинг ҳар бир бекатида интилувчанлик, бунёдкорлик ва жўшқинлик ҳамроҳ.

■ Садоқат МАХСУМОВА
«Mahalla»

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг қатор ҳамкор ташкилотлар билан уюштирилган тадбирларини шундай бекатларга қиёслаш мумкин. Боиси бу тадбирларнинг ҳар бири ёшларнинг дунёқараши ва фикрлаш доирасини юксалтиришга хизмат қилади.

Олий таълим муассасалари талабалари ўртасида футбол бўйича ўтказилган «Камолот» кубоги республика турнири ҳам айнан шундай мақсадни кўзлайди. Спортта ошно ёшларни бир ерга жамлаган мазкур мусобақа Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 6 февралдаги қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасида 2014 йилда амалга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар Дастури» доирасида ёшларни спорт билан шуғулланишга жалб этиш учун ташкил қилинди.

2012 йилдан бошлаб «Камолот» кубоги футбол мусобақаси «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши, Маданият ва спорт ишлари, Ички ишлар, Олий ва ўрта мақсус таълим, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Ўзбекистон футбол федерацияси, «Пахтакор» футбол клуби ҳамкорлигида ўтказиб келинмоқда.

Талба-ёшларнинг жисмоний

баҳслар натижасига кўра 9-10 ёшли болалар ўртасида биринчи ўрин «Файзобод» маҳалласи, иккинчи ўрин «Дўстлик» маҳалласи ҳамда учинчи ўрин «Чинор» маҳалласининг ёш футболчиларига насиб этди.

11-12 ёшли болалар ўртасида ғолибликни «Билимдон» маҳалласи жамоаси қўлга киритди. Иккинчи ва учинчи ўринларни «Янги Қўйлик» ҳамда «Файзобод» маҳалласи ёшлари эгаллади.

13-14 ёшли ўсмирлар ўртасидаги беллашувлар ҳам мурассасиз ўйинларга бой бўлди. Яшил майдонларда катта футболчилар сингари тўп сўрган «Салар» маҳалласи жамоаси ғолибликни қўлга киритди. «Файзобод» маҳалласи ёшлари иккинчи, «Билимдон» маҳалласи ўсмирлари эса учинчи ўринга муносиб топилди.

Мусобақа ғолиблари ва баҳсларда фаол иштирок этган жамоаларга «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Миробод тумани бўлини раиси эсдалик совғалари топширилди. Ғолиб жамоалар турнирнинг шаҳар босқичида иштирок этади.

ЭНГ НАМУНАЛИ ОИЛА

Соғлом, аҳил ва мустаҳкам
оилалар баҳси

< [1]

Юртимизда бахтли оилаларнинг тобора кўпайиб боришида фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари ҳамда йиғинлар қошида ташкил этилган Яроштириш, Хотин-қизлар билан ишлаш бўйича комиссиялар аъзоларининг алоҳида ўрни бор, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви раиси ўринбосари Гаҳҳар Алимов. — Негаки, ушбу лавозимда ҳаёт тажрибасига эга қай-вонилар фаолият юритаётгани оилавий ажримларнинг қамойишига ҳамда қайнона-келин муносабатлари яхшиланишига хизмат қилмоқда. Жорий йилги «Энг намунали оила» кўрик-танлови ҳар қачонгидан ҳам юқори савияда ташкил этилди. Негаки, танловда иштирок этган 9 мингдан ортиқ оила аъзолари ўзларининг шахсий ибратлари, айниқса, миллий анъана ва қадриятларимиз асосида баркамол авлодни тарбиялаш борасидаги тажрибалари билан ўртоқлашдилар.

Кўрик-танловнинг республика босқичида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳридан маҳаллада обрў-этиборга эга, фарзандлари тарбиясида барчага ўрнак бўлган 14 та оиланинг 70 нафар аъзоси иштирок этди.

Танловнинг сўнгги босқичида оилалар маънавий муҳитни ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат, инсоний муносабатлар асосида шакллантириш, фарзандлари

ни ахлоқ-одобли, илму маърифатли ҳамда жисмонан соғлом ва маънан етук қилиб вояга етказиш, қўни-қўшничилик анъаналарини ривожлантириш, миллий қадриятларимизни эъзозлаш, тинчлик-тотувликни мустаҳкамлаш ҳамда юртимизда маънавиятли оилалар сонини кўпайтиришга ҳисса қўшаётган оилалар аъзолари ўзаро баҳс олиб борди.

Нуфузли ҳакамлар ҳайъати аъзоларининг ақдид қарорига биноан республикамиздаги энг намунали оилалар эълон қилинди: биринчи ўринга Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳри 7-сонли «Шоирлар овули» маҳалласи вакили Буркит Пиязов, Навоий вилояти Қизилтепа туманидаги «Харқорён» маҳалласида истиқомат қилувчи Мақсуд Норовлар ҳамда Фарғона вилояти Бешариқ тумани «Тошариқ» маҳалласида истиқомат қилувчи Муроджон Юсуповлар оилалари лойиқ топилди.

Танлов ғолиби — Буркит Пиязов оиласини санъаткорлар оиласи дейиш мумкин. Айни пайтда хонадон аъзоси ва соҳибаси Нукус шаҳридаги 1-сонли мусика ва санъат касб-хўнар коллежида фаолият юритади. Уларнинг фарзандлари Женисбек ҳамда Жоникбек Пиязовлар — «Ниҳол» мукофоти совриндорлари.

— Бизнинг оилага ҳамма ҳавас қилади, — дейди танлов ғолибаси Инжигул Сабурова. — Оилада олти нафар фарзандни камолга етказётган бўлсақ, уларнинг борчаси санъат йўналишини танлашди. Турмуш ўртоғим билан фарзандларимиз тарбиясига ало-

қид эътибор қаратамиз. Шу боисдан бўлса керак, улар бизнинг ишончимизни оқлаб келишмоқда. 2010 йили, яъни мустақиллигимизнинг 19 йиллиги муносабати билан ўғлим Женисбек Пиязов «Шўҳрат» медали билан тақдирланди. 2012 йили эса «Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган артист» унвонига сазовор бўлди. Бу ютуқлар, албатта, истиқлол яратган имкониятлар туфайлидир. Бу йил «Энг намунали оила» танловида иштирок этиб, республика босқичида 1-ўринни қўлга киритдик. Бу ютуқдан қалбимиз фойдадор туйғулариға тўлди. Айни пайтда маҳалламиздаги оилалар, айниқса, ёш келин-куёвлар билан тажрибалашимизни ўртоқлашиб, уларнинг ҳам намунали оила бўлишига қўмаклашялмиз.

Дарвоқе, юртимиз довуғини дунёга таратаётган истеъдодли ёшлар соғлом ва мустаҳкам оилаларда камол топаётганини Нукус шаҳридаги Пиязовлар оиласи тасмолда кўриш мумкин. Бундай оилалар юртимизда қўллаб-қўллашди.

Кўрик-танловда, шунингдек, «Соғлом фарзанд — соғлом ва аҳил оила мевасиси», «Оила — мўъжаз Ватан», «Оила — энг биринчи ва энг кучли тарбия ўчоғи», «Оила — жамият негизи, кўзгуси ва ўчоғи» каби номинациялар бўйича ҳам ғолиблар аниқланди. Сирдарё вилояти Мирзаобод тумани «Тошкент» маҳалласида умргузаронлик қилаётган Саттор Қудратовлар оиласида камол топаётган юртимиз чемпионлари ҳам соғлом ва аҳил оиланинг фарзандларидир.

— Оиланинг эл-юрт орасида ҳурмат-эътибор топиши жуда кўп омилларга боғлиқ, — дейди танловнинг номинация бўйича ғолиби Саттор Қудратов. — Президентимизнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» асосида бу борада ғоят ибратли фикрлар баён этилган. Хусусан, давлатимиз раҳбарининг: «Оилавий тарбия масаласида хатого йўл қўймастик учун аввало ҳар қайси хонадондаги маънавий иқлимни ўзаро ҳурмат, ахлоқ-одоб, инсоний муносабатлар асосига қуриш лозим», деган фикрларига эътибор оилада қатъий амол қилинади. Биз намунали оила, деган ном зиммасига янада улкан масъулият юклайди.

Халқимизга хос миллий урф-одат ва анъаналарнинг бардавонилиги, тарих ҳамда келажақнинг ўзвийлиги, асосан, оила билан боғлиқдир. Шу боис унинг жамиятдаги ўрнини мустаҳкамлашга, миллий қадриятларимизни асраб-авайлаб, келгуси авлодларга етказишда «Энг намунали оила» кўрик-танлови муҳим аҳамият касб этмоқда.

Танлов ғолибларига диплом ҳамда ҳамкор ташкилотларнинг қимматбаҳо совғалари топширилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э.Боситхонова иштирок этди.

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви, Ўзбекистон Бадий академияси, Республика Маънавият тарғибот маркази, «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси, Тошкент Фотосуратлар уйи «МАҲАЛЛА — МАЪНАВИЯТ ЎЧОҒИ» фототанловини эълон қилади.

Танловнинг асосий мақсади

Маҳалланинг азалдан маънавият ва тарбия ўчоғи, миллий қадриятлар маскани экани, шунингдек, маънавий ҳаётимизни, миллий онг ва қадриятларимиз, эътиқод ва тафаккуримиз, урф-одат ва анъаналаримизни асраб-авайлашда маҳалланинг роли ва таъсири бекиёслигини фототанлов санъати орқали очиб бериш ҳамда профессионал ва иқтидорли ҳавоскор фото ижодкорларни рағбатлантиришдан иборат.

Танловни ўтказиш муддати ва шартлари

«Маҳалла — маънавият ўчоғи» фототанлови учун фотосуратлар жорий йилнинг 1 октябрга қадар «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви (Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Мустақиллик шоҳ қўчаси 59-уй)да қабул қилинади.

Танловнинг якуни ва ғолибларни тақдирлаш маросими 2014 йил октябр ойининг учинчи ўн кунлигида Тошкент Фотосуратлар уйида ўтказилади.

Танловда 35 ёшгача бўлган шаҳар, туман ва вилоятлардаги газет ва журналларнинг фотомужбирлари ҳамда фотохавоскорлар ўз асарлари билан қатнашишлари мумкин. Иштирокчилар ўз ижодларида қўйидаги мавзуларни очиб беришга алоҳида аҳамият қаратишлари тавсия этилади:

- аҳоли ўртасида миллий ва маънавий қадриятларнинг аҳамияти;
- ҳудудда турли миллат вакиллари аҳил-иноқлиги, уларга хос миллий байрамлар;
- маҳаллаларда ривожланган яхши қўшничилик, меҳр-оқибат туйғунчалари каби халқимизга хос урф-одат ва анъаналар;
- фуқаролар йиғинлари ҳузу-

ридаги «Ота-оналар универсitetи» фаолияти;

— баркамол авлодни тарбиялашда «Оила—маҳалла—таълим муассасаси» ҳамкорлиги фаолияти самараси;

— миллий ўйинлар ва спорт тадбирларининг маҳалла аҳли ўртасида меҳр-оқибат, аҳиллик ва ҳақиқатлики кучайтиришдаги ўрни.

Фотосуратлар қуйидаги шаклда қабул қилинади

а) Рақамли вариантда (кўргозманинг реклама материалларини безатиш учун фотосуратлардан фойдаланиш мақсадида) қозғога қўйрилган нусхалар ўлчами 30x40 ёки 30x45.

б) Юқори сифатли рақамли (электрон) файллар-300 бр, ўлчами узун томонга 4500 пиксель, сиқилиши JPG 12, ранг кенглиги рангли фотосуратлар учун RGB ва оқ-қора ишлар учун Grayscale.

Танловга юбориладиган фотосуратларга қуйидагилар илова қилинади:

- муаллифнинг исм-фамилияси;
- профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот (профессионал фотожодкорлар учун);
- муаллифнинг тураржойи, ризмат, уйи ҳамда уяли телефон рақамлари;
- паспорт нусхаси.

Фототанловга тақдим этиладиган ҳужжатлар

Танловда иштирок этиш учун қуйидагилар қабул қилинади: яққа фотосуратлар, танлов мавзуси талабларига жавоб берувчи ва ташқи жиҳатдан ёки мазмунига биришган фотосериялар (1 та серияда 10 тагача расм);

фотосуратларнинг яратилиш муддати чегараланмайдиган. Бир муаллиф тақдим қиладиган ишларнинг энг кўп миқдори 10 тагача бўлиши мумкин.

Фотосуратлар серияси 1 та иш ҳисобланади, агар айрим фотосуратлар серия талабларига мувофиқ келмаса, ҳайъат серияни қисқартириш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади.

Ғолибларни аниқлаш ва тақдирлаш

Танлов ғолиблари ҳакамлар ҳайъатининг якуний ҳулосасига кўра аниқланади ва мукофотга тавсия этилади. Мукофот битта шахсга тақдоран берилмайдиган.

Танловда энг юқори балла сазовор бўлган фотография ишлари муаллифи Гран-при дипломи ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланади.

Танловда 1-, 2- ва 3-ўринларни эгаллаган фотосуратлар муаллифлари фойхрий ёриқ ва эсдалик совғалари билан мукофотланади.

Танлов якуни бўйича Тошкент Фотосуратлар уйида кўргазма ташкил этилади ва ғолибларни тақдирлаш маросими ўтказилади.



Аланга домида

Автобусда чиққан ёнғин оқибатида Колумбияда 32 нафар бола нобуд бўлган.



«El Heraldo» нашрида қайд этилишича, транспорт

воситаси черковга кетаётган аланга ичида қолган. Салонда 40 нафардан зиёд бола бўлган автобусни ёлғиз ҳайдовчи бошқарган. Ун нафардан зиёд жабрланувчиға тиббий ёрдам кўрсатилган.

Мамлакат президенти Хуан Мануэль Сантос ўзининг «Twitter» тармоғидаги саҳифасида ҳаётдан кўз юмган болаларнинг оилаларига таъзия билдирган.

Гаровда қариндошлар

Бразилия шимоли-шарқидаги қамқоҳонада маҳбустлар 122 кишини гаровга олишган.

«Agence France-Presse»га кўра, гаровдагиларнинг деярли барчаси қамқоҳоналарнинг яқин қариндошлари. Улар орасида тўрт нафар ҳуқуқ посбони ҳам бор.

Исён сабаби ҳозирча номаълум. Ҳодиса муносабати билан қамқоҳонага полиция мўлозимлари етиб келиб, музокарага киришишган.

Лондон «селфи» пойтахти

«Suggestme.com»нинг тадқиқотига кўра, Лондон дунё «селфи» (фотография автопортрети) ҳаваскорларининг сеvimли маркази, деб топилган.



Мазкур сайёҳлик ресурси Instagram, «Twitter», «Facebook» ва бошқа ижтимо-

ий тармоқлардаги 6,3 миллион саҳифаси ўрганган. 14 фойздан зиёд сурат айнан Лондондан олинган. Кўп киши Биг Бен, Букингем саройи ҳамда «Лондон кўзи» (London Eye) кузатув айлонасидида суратга тушишни ёқтиради маълум бўлган.

Рейтингда иккинчи ва учинчи ўринларни Нью-Йорк ва Амстердам эгаллаган. Борселона, Париж, Берлин, Рим, Сидней, Истанбул ва Афина ўнликдан жой олган.

■ Интернет материаллари асосида
Ф. КОМРОН тайёрлади.

«TOSHKENT UNIVERSAL AUCTIONS SAVDO» МЧЖ ахбороти
«Вилоят ҳўким ҳўзуридаги «ДАВТЕХНАЗОРАТ» бўлими» ДУК балансидаги д/р 10AR712 бўлган «ГАЗ-2417» русумли, «TEKNOLOG-STAN» ШКК балансидаги д/р 10B498 бўлган «ОДАЗ-9370» русумли, д/р 10B532 бўлган «КАМАЗ-5320» русумли, д/р 10AV858 бўлган «НИССА-522Т» русумли, д/р 10AV855 бўлган «ЛАЗ-695А» русумли, д/р 10D388 бўлган «ОДАЗ-9370» русумли, д/р 10B1193 бўлган «ГАЗ-310290» русумли, д/р 10AZ578 бўлган «ГАЗ-5204» русумли, д/р 10AZ850 бўлган «ЗИЛ-130» русумли, д/р 10AZ571 бўлган «КАМАЗ-5320» русумли, д/р 10AZ845 бўлган «КАМАЗ-5511» русумли, д/р 10AX751 бўлган «ГАЗ-31029» русумли, д/р 10A0853 бўлган «ГАЗ-2410» русумли, д/р 10AZ582 бўлган «КАМАЗ-53212» русумли, д/р 10AZ579 бўлган «КАМАЗ-5410» русумли, д/р 10AQ016 бўлган «ГАЗ-24М» русумли, д/р 10B536 русумли, д/р 10AZ582 бўлган «КАМАЗ-53212» русумли, д/р 10AZ579 бўлган «КАМАЗ-5410» русумли, д/р 10AV857 бўлган «КАМАЗ-5410» русумли, д/р 10AV259 бўлган «УАЗ-31512» русумли, д/р 10AZ572 бўлган «ГАЗ-CA3-350702» русумли, д/р 10AZ577 бўлган «КАМАЗ-5320» русумли, д/р 10AN488 бўлган «Дамас STD» русумли, д/р 10AF317 бўлган «Авто заправщик» русумли, д/р 10AQ270 бўлган «ГАЗ-522Т» русумли автоматотранспорт воситалари аукцион савдоларидан олинганлиги маълум қилинади.

Муассис: Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2013 йил 12 апрелда 0019 рақами билан қайта рўйхатга олинган.

Бош муҳаррир
Бахтиёр АБДУСАТТОВ
Телефонлар:
Қабулхона: 233-39-89, Котибият: 233-44-25, Фуқаролик жамияти институтлари билан ишлаш бўлими: 199-84-32, Иқтисодиёт ва ҳуқуқ бўлими: 199-83-46, Маънавият ва спорт бўлими: 199-84-23, Факс: 233-10-73



ISSN 2010-7013

Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди, офсет усулида босилди. Формати — А-2, 4 босма табоқ.

Саҳифаловчи: Л.Мейликов
Мусаҳҳиҳ: Н.Азимова
Навбатчи: Ю.Ҳожиёва
Нашр навбатчиси: Н.Ҳайдаров

Тахрират манзили:
Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Индекс: 100083

«Ўзбекистон» НМИУ босмаҳонасида чоп этилди.
Босмаҳона манзили:
Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

Нашр кўрсаткичи: 148

24916 нусхда чоп этилди. Буюртма J-9944

Топшириш вақти — 21.⁰⁰

Топширилди — 21.⁰⁰



Ўзбекистон ва Хитой ўзаро манфаатли ҳамкорликни мустаҳкамламоқда

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ўзбекистон ХХР раҳбарияти томонидан 2011 йилда илгари сурилган Хитой компаниялари иштирокида Ўзбекистон — Хитой юқори технологиялар саноат паркинни ташкил этиш тўғрисидаги ташаббусни қўллаб-қувватлади. Ушбу мақсадда 2013 йилнинг март ойда Сирдарё вилоятида филиали бўлган «Жиззах» махсус индустриал зонаси ташкил этилди. 2013 йил июнь ойдан бошлаб ушбу индустриал зона ҳудудда мобил телефонлар, қурилиш материаллари ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Жорий йилда «Жиззах» махсус индустриал зонасида Хитой компанияларининг қиймати 50 миллион доллардан зиёд тўғридан-тўғри инвестициялари иштирокида ўн бешдан ортиқ қўшма лойиҳани амалга ошириш кўзда тутилган.

Ўқилиш-энергетика комплексида ҳам ХХР билан ҳамкорлик изчил ривожланмоқда. Марказий Осиё — ХХР газ қувурининг тўртта тармоғи ҳам Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ўтиши нефть-газ соҳасида юксак даражадаги ўзаро ишонч ва яқин ҳамкорликни далолат беради.

Хитой Миллий нефть-газ корпорацияси нафақат истиқболли углеводород конларини ўрганиш ва уларни ўзлаштириш, балки Муборак газ-кимё мажмуасида табиий газни чуқур қайта ишлаш лойиҳасини амалга оширишда ҳам қатнашмоқда.

Мамлакатларимиз ўртасида энг қисқа темир йўл тармоғини барпо этиш ўзаро иқтисодий ҳамкорликнинг долзарб стратегик йўналишларидандир. Бу Хитойнинг Марказий Осиё, ундан кейин Жанубий Осиё мамлакатларига чиқишини таъминлайди. Мазкур йўналиш Ангрен-Поп темир йўли қурилиши лойиҳасини ўз ичига олган. «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси ва Хитойнинг «China Railway Tunnel Group» компанияси ўртасида доводан туннель орқали ўтадиган Ангрен-Поп темир йўлини қуриш бўйича умумий қиймати 455 миллион долларлик шартнома имзоланди ва хитойлик ҳамкорлар иштирокида 2013 йилнинг июнь ойда мазкур йўл қурилиши бошланди.

Баҳодир ЭРҒАШЕВ,
ЎЗА махсус мухбири.

ҚОНУН МОҲИЯТИ

Фаолият очиклиги — жамоатчилик назоратининг муҳим шарти



Г. НАЙМАРОВ ошан сурат.

< [1]

Қонуннинг асосий вазифалари жисмоний ва юридик шахсларнинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти тўғрисидаги ахборотдан фойдаланишини, мазкур ахборотни олиш ҳуқуқи кафолатларини таъминлашдан, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг қабул қилинаётган қарорлар сифатини ошириш борасидаги масъулиятини кучайтириш ҳамда давлат органларининг фаолияти тўғрисидаги ахборотни тарқатиш тартибини белгилашдан иборатдир.

Янги ҳуқуқий ҳужжатда давлат органлари фаолияти, айниқса, улар томонидан қабул қилинаётган қарорлар (авваломбор, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатлари билан боғлиқ қарорлар) ҳақидаги ахборотлардан фойдаланувчиларнинг кенг ҳабордор бўлиб боришини таъминлаш тартибларининг аниқ белгиланиши юрдошларимизнинг ахборотдан эркин фойдаланишида асқатади.

Қайд этиш жоизки, қонунда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклигини таъминлаш усуллари аниқ ва равшан белгилаб берилган. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисидаги ахборотни эълон қилиш ёки чоп этиш, ушбу ахборотни уларнинг расмий веб-сайтларида жойлаштириш ва янгиллаб бориш, ахборотни ҳамма кириши мумкин бўлган хоналарга ва жойларга жойлаштириш ҳамда янгиллаб бориш усуллари кўрсатиб ўтилган. Шунингдек, ахборот-кутубхона ва архив фондлари орқали мазкур ахборотни тақдим этиш, ахборотдан фойдаланувчиларнинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг очик ҳайъат мажлисларида ҳозир бўлиши учун шартитлар яратиш, ахборотдан фойдаланувчиларнинг сўрови асосида уларга давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисида оғзак ва ёзма шаклда, шу

жумладан, электрон ҳужжат шаклида ахборот тақдим этишнинг мазмун-моҳияти очиб берилган.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти ҳақида жамоатчиликни хабардор қилиб боришнинг қонунчилик кафолатларидан яна бири бу — қонунда давлат органлари фаолияти тўғрисидаги ахборотнинг рўйхатини белгилаш билан боғлиқ. Мазкур норма ахборотдан фойдаланувчиларни сўровлари бўйича тақдим этиладиган ахборотнинг тўла-тўқис рўйхатини аниқлаштириш ҳамда ушбу соҳада ахборот ҳавфсизлигини таъминлаш имконини беради. Бундан ташқари, айни меъёр «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисидаги ва «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонунларни қўллаш соҳасини фарқлаш ҳамда ажратишда ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Қонуннинг 8-моддасида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари раҳбарларининг давлат органлари фаолиятининг очиклигини таъминлаш соҳасидаги ваколатлари белгилаб берилган. Ушбу моддада раҳбарларнинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклигини таъминлаш соҳасидаги ваколатлари аниқ ва равшан кўрсатилиб, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари акс этган. Бу эса, шубҳасиз, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги ва шаффофлигини йқодалайди.

Юқоридагилардан ташқари, қонунда давлат органларининг фаолияти тўғрисидаги ахборот манбалари ҳам аққол кўрсатилган. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг расмий нашрлари, мазкур давлат органлари раҳбарларининг, шунингдек, ушбу органлар томонидан ваколат берилган мансабдор шахсларнинг чиқишлари ҳамда баёнотлари, давлат органлари ахборот хизматларининг хабарлари, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари расмий веб-сайтларининг

материаллари, оммавий ахборот воситаларининг материаллари каби меъёрда белгиланган манбалар аниқ саноб ўтилган. Бу фойдаланувчиларга зорур ахборотдан эркин фойдаланиш имконини бериб қолмай, уларни ишончли ва тезкор ахборот билан таъминлашга ҳамда ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш бўйича имкониятини кенгайтиришга йўл очиб беради.

Ахборотдан фойдаланувчилар ҳуқуқларининг қонун даражасида белгиланиши фуқароларнинг ахборот соҳасидаги конституциявий ҳуқуқини янада кенгрок амалга ошириш билан бирга, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг қабул қилинаётган қарорлар сифатини ошириш борасидаги масъулиятини кучайтиради. Бу эса, ўз навбатида, давлат органлари фаолияти очиклигининг асосий принципларини таъминлайди.

Қонунда давлат органлари ахборот хизматларининг ҳуқуқий мақоми ҳам кафолатланган. Унга асосан ахборот хизматлари оммавий тадбирларни ташкил этиш, ахборотни тарқатиш, шунингдек, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг расмий веб-сайтида уларнинг фаолияти тўғрисидаги ахборотни жойлаштириш, янгиллаб бориш йўли билан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолиятини оммавий ахборот воситаларида ёритиш чора-тадбирларини кўради.

Қонуннинг апохида моддасида давлат органларининг расмий веб-сайтлари тушунчаси, уларда жойлаштирилган ахборот рўйхати, шунингдек, уларни янгиллаб бориш даврийлиги белгиланган. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг расмий веб-сайтларида жойлаштирилган ахборот ишончли бўлиши, у ОАВда эълон қилинадиган ахборот билан тенг кучга эгаллиги мустаҳкамлаб қўйилган. Давлат органлари фаолиятининг очиклигини таъминлаш бўйича бундай аниқ тартибнинг белгиланиши фуқароларнинг ахборотдан эркин фойдаланишини таъминлайди.

Давлат органлари фаолияти ҳақида жамоатчиликни янада кенгрок хабардор қилиб боришда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ҳузурида аккредитация қилинган ОАВ вакилларининг бўлиб ўтадиган очик ҳайъат мажлислари ва бошқа оммавий тадбирлар тўғрисида олдиндан ахборот олиши, аккредитация қилувчи органнинг бинолари ва бошқа объектлари аккредитация қилувчи орган томонидан белгиланган тартибда кириши, аккредитация қилувчи органнинг масъул шахсларидан зарур ҳужжатлар ва материалларни сўраш ҳамда олиши, оммавий тадбирларнинг ёзувлари билан танишиши ҳамда улардан кўчирма нусхалар олиши, улардан ОАВ материалларини тайёрлашда фойдаланиши каби ҳуқуқлар ҳам қонунда мустаҳкамлаб қўйилган.

Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон Республикасининг «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида»ги қонунининг ижрога қаратилиши фуқароларда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти тўғрисидаги яхлит ва объектив тасаввурни шакллантиради. Бундан ташқари, давлат бошқаруви тизимининг самарали фаолият кўрсатишига асосланган баҳо бериш, шунингдек, давлат органлари ҳамда ахборотдан фойдаланувчиларнинг ўзаро ҳамкорлиги механизминини тартибга солиш, ижтимоий шериклик ва жамоатчилик назоратини амалга оширишга кенг имкон беради.

ҲАОЛЛАР ҲҲҲҲ

Машғулотлар изчил давом этади

Фарғона вилояти педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти биносиди Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг малакасини ошириш бўйича ўқув-курслари иш бошлаганига икки ойдан ошди.

■ Абдусамат ТУРҲУНБОЕВ, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг малакасини ошириш бўйича Фарғона вилояти ўқув-курслари етакчи мутахассиси.

Ўтган қисқа вақт мобайнида курсларда тўрт йўналиш бўйича қариб 800 нафардан зиёд фуқаролар йиғинлари раислари, масъул котиблар, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар ҳамда «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси раҳбарлари тахсил олиб, тизимга оид билимларини оширдилар.

Яқинда ўқув марказига Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясининг бир гуруҳ етакчи илмий ходимлари таъриф буюришиб, дарс жараёнларини қузатдилар.

Тингловчилар билан уюштирилган очик мулоқотда машғуллотларнинг ҳар томонлама самарали бўлиши учун илгор педагогик технологиялар ҳамда интерфаол усуллардан фойдаланишни янада такомиллаштириш бўйича таққилар ўртага ташланди.

Таъқидлаш жоизки, айни пайтда машғуллотларни ахборот коммуникация технологияларидан унуқли фойдаланган ҳолда ташкил этиш

учун компьютерхоналарига эҳтиёж катта. Ҳозир ушбу масала юзасидан тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда иш олиб боришмоқда.

Маҳалла фаолларининг тизимга оид ҳуқуқий билимларини янада ошириш, юртимиздаги улкан ислохотлар жараёнида уларни хабардор қилиш мақсадида ўқув-курслари қошида ахборот-ресурс марказини ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Айни пайтда ўқув хоналарининг зарур техника воситалари билан таъминланиши ҳам тингловчиларнинг режадаги мавзуларни атрофлича ўзлаштириши, компьютер саводхонлигини оширишларида қўл келлади.

Тингловчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш мақсадида турли давра сўхбатлари, ижодий учрошувлар ташкиллаштириш ҳам муҳимдир. Шу мақсадда машғуллотлардан кейин вилоятимизнинг кўзга кўринган олимлари, ҳуқуқшунослар, шоиру ёзувчилар иштирокида тадбирлар уюштирилади.

Ўқув-курсларининг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш, тингловчиларнинг ҳар жиҳатдан мукаммал билим олиш ва малака оширишлари учун қулайликлар яратиш мақсадида Фарғона шаҳар ҳокимининг қарорига асосан шаҳардаги 14-умумтаълим мактаби биносидан ҳож ажратилди. Жорий ойнинг иккинчи ярмидан бошлаб маҳалла фаоллари шу ерда ўқишни давом эттирдилар.

ЙИГИНЛАР ҲАЁТИДАН

Дастур доирасидаги эзгу ташаббус



Норин туманидаги 65 та фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ҳудудида 147000 нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилади.

■ Фарҳод ҚОДИРОВ «Mahalla»

«Соғлом бола йили» Давлат дастури ижроси доирасида туман ҳокимлиги, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди туман бўлини маси томониди ишлаб чиқилган чора-тадбирлар режасига асосан, маҳаллаларда кенг қўланили ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилмоқда.

Хусусан, ҳар бир ҳудудда тураржойларнинг ташқи кўринишлари, кўча деворлари бир хил ранга бўялди, ариқ-зовурлар тозаланиб, сув йўллари тартибга келтирилди. Норинкапо, Тўда, Тошлоқ, Хўжаобод қишлоқ фуқаролар йиғинларида, «Оқори Чўж», «Сой бўйи», «Тошқин», «Тўда», «Сузоқовул», «Мустақилликнинг 20 йиллиги» ва «Тегири-монбози» маҳаллаларида 80 минг түпдан зиёд гүл кўчатлари экилиб, янги гулзорлар барпо этилди.

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди туман бўлини маси ва ҳомийлар кўмагида «Тўқин» ҳамда «Бўригепе» маҳалла фуқаролар йиғинлари учун қисқа муддатда янги бино қуриб, фойдаланишга топширилди. Шунингдек, 7 та йиғин биноси қайта таъмирланди. Бундан ташқари, Бобур номидаги, «Катта Улмас» ҳамда «Нойман-

обод» маҳалла фуқаролар йиғинларига бино қуриш учун ер майдонлари ажратилиб, бунёдкорлик ишлари бошлаб юборилди.

Бугунги кунда тумандаги барча фуқаролар йиғини компьютер воситалари билан тўла таъминланиб, тизим ходимлари учун қулай иш шартитлари яратилган. Шу кунларда замонавий мебель жиҳозлари етказиб берилмоқда.

Утан тўрт ой довомида маҳаллаларда ташкил этилган 10 дан ортиқ маиший хизмат кўрсатиш шохбасига 30 нафардан зиёд коллеж битирувчиси ишга жойлаштирилди. Нориндаги бу каби хайрли ишларни изчил давом эттириш ҳамда бошқа туманларда ҳам оммалаштириш мақсадида «Орт ободлиги маҳалладан бошланди» шори остида ўтказилган вилоят семинарида ана шу ютуқлар сарҳисоб қилиниб, гапдаги вазифалар белгилаб олинди. Унда вилоятдаги барча шаҳар ва туманлар ҳокимлари, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими ҳамда бўлимлари, ҳамкор ташкилотлар раҳбар ва мутахассислари, соҳа ходимлари иштирок этдилар.

Семинар якунида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларида фаол қатнашаётган фуқаролар йиғинлари раислари муносиб рабатлантирилди.

МАҲАЛЛАДА ҲИСОБОТ

Муаммолар ечими — ҳамжиҳатликда

Фарғона вилояти Ўзбекистон тумани ҳокими Абдоржон Бобораҳимов «Қайқубод» маҳалла фуқаролар йиғинида ҳисобот бериди. Учрашувда йиғин фаоллари ҳудуддаги айрим аҳоли массивларига тоза ичимлик суви етказиб беришда юзага келаётган муаммоларни ўртага ташлади.

■ Расул КАМОЛ «Mahalla»

Ушбу масала шу ернинг ўзиди ҳал этилди: туман ичимлик суви таъминоти корхонаси бир ҳафта муддатда маҳалла аҳлини зилол сув билан таъминлади.

Ҳа, йилнинг ҳар чорагида мансабдор шахсларнинг фуқаролар йиғинлари фаолиятига кирувчи масалалар юзасидан бераётган ҳисоботларни ҳудудларда ҳусусий тадбиркорлик, оилавий бизнесни ривожлантириш, маҳаллалар қошидаги «Маслаҳат марказлари» ишини жонлантириш, банклардан имтиёзли кредитлар олиш, томорқачилик, чорвачилик, паррандорчилик тармоқларини янада кенгайтириш, хотин-қизлар,

ёшлар бандлигини таъминлаш, янги спорт мажмуалари барпо этишда муҳим омили бўлмоқда.

Ҳисоботларда амалга оширилган ишлар қўламини сарҳисоб қилиш баробарида, ечимини кутаётган муаммолар ҳам таҳлил этиляпти.

«Дўстларобод» маҳалла фуқаролар йиғинида ўтказилган ҳисобот мунозораларига бой бўлди. Учрашувда маҳалла фаоллари ҳудудда ёшлар шуғулланидиган спорт мажмуаси йўқлигини айтишди. Ушбу масала юзасидан сўзга чиққан маҳалла фаоли Мирзохиджон Аҳмаджонов ҳудуддаги бўш турган бинода спорт мажмуаси қуриш, унда бир неча спорт турлари бўйича, жумладан, кураш тўғраригини ҳам йўлга қўйиш ташаббусини ўртага ташлади. Туман маданият ва спорт ишлари бўлими, Бо-

лалар спортини ривожлантириш ҳам-фармаси мутасаддилари зиммасига бир ой муддатда мазкур масалани ҳал қилиш вазифаси юклатилди.

Қақир қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидидаи Жаманжор қишлоғи аҳолиси ана шундай тадбирлардан бирида ортезиан кудуғини тозалаш, трансформаторни таъмирлаш ва 300 метр масофадаги электр тармоғини янгиллаш масаласи бўйича ҳокимга мурожаат қилишди. Чунончи, 2007 йилда қазилган кудуқ таъмирталаб бўлиб қолган эди. Ушбу масала бўйича мутахассисларнинг фикр-мулоҳазалари тингланиб, масала жойида ҳал этилди.

«Нурсуҳ» маҳалла фуқаролар йиғинида ўтган учрашувда «Водийгаз-таъминот» унитар корхонаси томонидан сулоштирилган газ баллонлар етказиб беришда узилишлар юз бераётгани ҳақида маҳалла фаоллари туман раҳбарига ҳақли ётирозларини айтишди. Бу масала ҳам қисқа фурсатда ҳал қилинди.

Ҳисоботлар тумандаги Қораниёз-бобо, Овчи, Қонизор қишлоқ фуқаролар йиғинларида ҳам бўлиб ўтди.

— Туман ҳокими ва бошқа мута-садди раҳбарларнинг ҳар чоракда маҳаллада ҳисобот бериши муаммоларни жойида ҳал этиш имконини яратмоқда, — дейди «Қақир» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Шаҳобиддин Жалолов. — Мулоқот жараёнида «Соғлом бола йили» Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижроси, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳамда «Таълим тўғрисида»ги қонун мазмун-моҳияти, аҳоли бандлигини таъминлаш, соғлом ва барқомол авлодни тарбиялашда «Оила — маҳалла — таълим муассасаси» ҳамкорлиги, касб-хунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш каби долзарб масалаларга ҳам эътибор қаратилаётди.

«Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонуннинг 11-, 12-моддаларига мувофиқ, ҳар чоракда фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари, фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссиялар ҳамда «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси раҳбири, ди-

ний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиларнинг ҳисоботлари эшитилаётгани йиғинлар фаолиятини янада такомиллаштирмоқда.

— Туман ҳокими, маҳалла фуқаролар йиғини раиси ва бошқа мута-саддиларнинг ҳар чоракда маҳалла аҳли билан юзма-юз мулоқот қилаётгани фаровонлик ва ободликка хизмат қилади, — дейди Нурсуҳ қишлоқ фуқаролар йиғини фаоли Маҳмуджон Абдуллаев. — Тўғриси, жойлардаги ижобий ўзгаришлар, салмоқли ютуқлардан ҳамма ҳам бирдек хабардор эмас. Қолаверса, ечимини кутаётган муаммолар мутаасаддиларнинг эътиборидан четда қолиб кетиши мумкин. Ҳисоботлар эса бундай муаммоларга самарали ечим топиш имконини берапти.

Ҳисоботлар Хотира ва қадрлаш қуни тадбирларига уланиб кетди. Маҳаллаларда истиқомат қилаётган руш ва меҳнат фахрийларига совғалар ула-шилиб, ҳам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга меҳр-муруват ёрдамлари кўрсатилади.

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН —
КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

Масъулиятли ва шарафли вазифалар соҳибалари

Фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси лавозими жорий этилганига 10 йил тўлади

< [1]

Дарҳақиқат, Ўртабшмизнинг мазкур ташаббуслари бугунги кунда нақодар муҳим аҳамиятга эга эканини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди. Айни пайтда Тошкент вилоятида 18 та шаҳар, туманларда 1156 та фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи, шу жумладан, 990 та маҳалла фуқаролар йиғини мавжуд. Уларда фаолият юритаётган 951 нафар диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар катта ишонч ва масъулият билан ишламоқдалар. Улардан 317 нафари олий маълумотли, 553 нафари ўрта махсус, 75 нафари ўрта маълумотли, бой ҳаёт тажрибасига эга аёллардир. Маслаҳатчилардан 380 нафари педагог, 17 нафари ҳуқуқшунос, 109 нафари шифокор, 439 нафари бошқа мутахассисликларга, 7 нафари эса махсус диний маълумотга эгаллиги ҳудудларда маънавий муҳит барқорорлигини таъминлашда кўл келмоқда.

Вилоят маҳаллаларида ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, оналик ва болаликни муҳофазалашда «Маҳалла» хайрия жамоат фондларини республика ва вилоят бошқаруви томонидан маслаҳатчиларга касбий маҳоратни оширишда, Низом талаблари даражасида фаолият юритишда доимий кўмак кўрсатилмоқда. Жумладан, вилоят бошқаруви томонидан фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари қошидаги «Ота-оналар университети», «Оила — маҳалла — таълим муассасаси» ҳамкорлик механизмини таъминлаш ҳамда «Оилаларни ўрганиш» дафтарини юритиш юзасидан семинарлар ўтказилди. Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 7 октябрдаги тегишли қарорига асосан, фуқаролар йиғинлари қошида фаолият кўрсатувчи комиссиялар Ниぞмлари тасдиқланди ва борча бўлинмаларга етказилди. Маҳалла маслаҳатчиларининг энг асосий низомиий вазифалари — оилаларни ўрганиш, аниқланган муаммоларни тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда бортараф этиш чораларини кўришдан иборатдир.

Айниқса, Яраштириш комиссиялари аъзоларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари билан биргаликда оилалар тинчлигини таъминлаш, турли низоларни бортараф этиш, ажримлар, оталикни белгилаш ва ёлғиз оналикни қўйд этиш каби ҳолатларнинг олдини олишдаги ўрни алоҳидадир. Хусусан, Соғлом бола йили давомида Яраштириш комиссияларида



ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИ — АМАЛДА

Келажак бугундан бошланади



< [1]

Ёшлар қалбини эгаллаш, муайян мамлакат ёки минтақадаги бирор миллат ёхуд халқнинг онига таъсир ўтказиш, уни ўз дунёқарашига бўйсундириш, маънавий жихатдан заиф ва тобе қилишдек гайрли мақсадлар ижтимоий тармоқлар орқали ёйилмоқда. Ҳарозил кучлар ёшларни тобе қилишга, мафкуравий таъзиқ ўтказишга жон-жаҳди билан киришибди. Зеро, фикр қарамлиги, тафаккур қўллиги ҳар қандай иқтисодий ёки сиёсий қарамликдан кўра дахшатлироқдир.

Давлатимиз раҳбарининг мазкур қарори ўз вақтида қабул қилинган бўлиб, ёш авлод келажаги, таълим-тарбияси доимо эътиборда эканлигидан далолатдир. 67 банддан иборат устувор вазифаларни муҳассас этган дастур ижроси азалдан тарбия маскани бўлиб келган маҳаллалар фаоллари зиммасига алоҳида масъулият юклайди. Дастурда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди зиммасига ҳам улкан вазифалар юклатилган.

Вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятлар содир этилишининг олдини олишга бағишланган олтинчи бўлим ижросини тўлиқ бажаришда, айниқса, маҳаллалнинг имкониятлари кўл келасди. Жумладан, ёшларнинг илгма, касб-хунорга, соғлом турмуш тарзига, бунёдкорлик ишларига қизиқишлари билан ҳамоҳанг бўлган янгиҳа ҳаёт тарзини жорий этиш келажғимизга таҳдид солиб турган хавф-хатарлар йўлига тўсиқ бўлади.

ФОНД КЎМАГИДА

Фаолият самарадорлигига хизмат қиладди

Бугун «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Бухоро вилояти бўлим ва бўлинмалари томонидан воҳадаги 553 та фуқаролар йиғинига услубий ёрдам кўрсатиб келинмоқда.

■ Акбар РУСТАМОВ
«Mahalla»

— Маҳалла фаоли бу лавозим ёки мутахассислик эмас, балки биринчи навбатда, эл ишончидир, — дейди Фовдининг вилоят бўлими бошқаруви раиси Маҳмуд Тоиров. — Ушбу вазифада ишлаш учун, аввало, ҳаёт тажрибасига эга бўлиш, халқнинг ишончи ва ҳурматини қозониш талаб этилади. Биз эса ана шундай халқ сайлаган кишиларда маҳалла фаолиятига оид қонунлар, низомилар ва бошқа турдаги ҳужжатлар билан ишлаш кўникмаларини шакллантиришга кўмаклашамиз.

Шу мақсадда жорий йилнинг биринчи чораги давомида вилоятдаги фуқаролар йиғинларига Фонд томонидан 10 миллион 700 минг сўмликдан зиёд ўқув-услубий адабиётлар торқатилди. Чунонки, «Соғлом бола йили» Давлат дастури, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш ва бошқа мавзуларга оид кўргазмали материаллар етказилди.

— Ўртабшмизнинг 2013 йил 10 октябрдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳодимларининг малакасини ошириш бўйича ўқув курсларини ташкил этиш тўғрисида»ги ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 14 декабрдаги «Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент

кўрилган чора-тадбирлар натижасида 1163 нафар ўқувчи таълимга қайтарилди, 4 нафарининг махсус мактаб-интернатларига, 11 нафарининг ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказларига юборилишига кўмаклашилди.

Президентимизнинг юқоридаги қарори билан тасдиқланган дастурнинг 52-банди беҳаёлик, зуравонлик ва шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотларни тайёрлаш, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш, тарқатиш, реклама қилиш ва номойиши олдини олишга қаратилган тадбирларни амолга оширишга бағишланган. Шу нуктаи назардан, ҳудудлардаги 2478 та маҳаллада миллий ва маънавий кадрятларни тарғиб этган ҳолда 75362 нафар ота-она иштирокида порнографик, зуравонлик ва шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотлар тарқатилишининг олдини олиш, фарзандларини турли зарарли иллатлар таъсиридан ҳимоялаш бўйича тушунтириш тадбирлари ўтказилди.

Давлатимиз ёш авлод келажаги учун доимо ғамхўрлик қилиб келмоқда. «Соғлом бола йили» Давлат дастурида ҳам уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш борасида қатор қонунлар қабул қилиш, баъзи қонунларга тегишли ўзгаришлар киритиш ва янги таҳирда қабул қилиш кўзда тутилгани ёшларга оид давлат сиёсатининг мантиқий давомидир. Янги қабул қилинадиган қонунлардан бирининг «болаларни уларнинг жисмоний ва маънавий ривожланишига салбий таъсир кўрсатувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисидаги ҳужжат экани бу борадаги муҳим янгиллик бўлди.

Янги қонунда болаларни уларнинг онгини бузувчи, руҳий жароҳат етказувчи ахборот таъсиридан ҳимоялаш, оммавий ахборот воситаларида шафқатсизлик ва зуравонлик тарбияботига йўл қўймасликнинг таъсирчан ташкилий-ҳуқуқий механизмлари кўзда тутилди.

Қувонарлиси, ушбу қонунни қабул қилиш орқали мамлакатимиз болалари ва ўсирилларнинг ахборот хавфсизлигини таъминлаш, уларнинг ахлоққа салбий таъсир етказувчи маълумотлардан, миллий кадрятларимизга зид қарашлар, маънавий бузуқликни тарғиб этадиган босма, аудиовизуал маҳсулотлар ва компьютер ўйинларидан ҳимояланиши қафолатланади.

Ёшларни спорт билан шугулланишга кенг жалб этиш ҳам уларни турли хатарлардан асрайди. Айниқса, оилаларда жисмоний тарбияни йўлга қўйиш кишилар соломатлигини қафолатлайди, уларни турли номусқул одатлар, вақтини бечасар сарфлашдек иллатлардан ҳимоялайди.

Хулоса қилиш мумкинки, давлатимизнинг ёшлар истиқболи йўлида олиб бораётган адолатли сиёсати, ғамхўрлик ва эътиборини дунёнинг бошқа бирор-бир мамлакатиде учратиш қийин. Ушбу мақсадли дастурларнинг муваффақиятли одо этилиши нофақат маҳалла фаолларидан, балки жамиятнинг ҳар бир аъзосидан катта куч ва масъулият талаб этади. Зотан, ёшлар эртанги ёруғ келажакимизни таъминловчи кучимиз, таянч устунларимиздир.



ташкил этилган ўқув-семинарлар, тарқатилётган услубий материаллар ҳамда малака ошириш курсида ушбу институт ваколатлари, фаолият йўналишларига доир билимимни оширдим. Бу биз каби илк маротаба сайланган маҳалла раислари учун жуда керакли услубий ёрдамдир.

Бўлим томонидан ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, оила институтини янада мустаҳкамлаш, эрта турмуш қуриш ва жиноятчиликнинг олдини олиш мақсадида мунтозам равишда маънавий-маърифий тадбирлар ўтказиб келинмоқда. Хусусан, Ўртабшмизнинг 2006 йил 25 августдаги «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги қарорини ҳаётга татбиқ этиш мақсадида борча маҳаллаларда маънавият ва маърифат хоналари ташкил қилиниб, зарур адабиётлар билан таъминланди. Уларда ўтказилган 1000 дан зиёд учрашув ва давра суҳбатига давлатимиз раҳбари асарлари, фармон ва қарорлари мазмун-моҳияти ўрганилди. Мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий-ижтимоий илохотларнинг устувор йўналишлари, бунёдкорлик ишларининг аҳамияти фуқароларга батафсил тушунтирилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 26 мартдаги «Ижтимоий-маънавий муҳитни янада соғломлаштириш, диний ақидаларастиликнинг олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида фуқаролар йиғинини раиси Нигора Аҳмедова. — Фонд томонидан

ҚАРОР ВА ИЖРО

Ободлик ва фаровонлик янада ортиган

< [1]

Вазирлар Маҳкамасининг «Шаҳарлар, посёлкалар, қишлоқлар ва овулларнинг маҳаллаларини тузиш, бирлаштириш, бўлиш ва тугатиш, шунингдек, уларнинг чегараларини белгилаш ва ўзгариштириш, уларга ном бериш ва уларнинг номини ўзгариштириш тартиби тўғрисидаги низоми»ни тасдиқлаш ҳоқида»ги қарори қабул қилинган, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими томонидан чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Чунки вилоят ҳудудининг катталлиги, аҳоли сонининг ошиб бораётгани, бориш қийин бўлган тоғли, чўл ва қир-адирликларда ҳам аҳоли истиқомат қилишини ҳисобга олсак, ушбу қарорнинг қабул қилингани айни муддого бўлди. Масалан, биргина Дехқоновод туманини оладиган бўлсак, аҳоли, асосан, тоғ ва қириқ жойларда яшайди. Ҳар бир қишлоқ ва маҳалланинг ораси 20-30 километрни ташкил этади.

— Шу вақтга қадар аҳолидан кўп тақлифлар тушган эди, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди туман бўлимида раиси Санжор Жумаев. — Маҳаллалар аҳоли сонига қараб ташкил этилгани боис, фуқаролар йиғинига иши борлар тодан тушиб келарди. Айрим қишлоқларимиз билан қиш фасида алоқа вақтинча узилиб қоларди. Қарор айни вақтида чиқди. Айниқса, Низомнинг 2-бандидаги «маҳаллалар истисно ҳолларда, 500 нафардан кам аҳоли, лекин камида 100 оила яшайдиган, бориш қийин бўлган ва тоғли туманларда ташкил этилиши мумкин», деган қоида бизга қўлайлик туғдиради.

Айни вақтда тақлифлар ўрганиб чиқилмоқда. Низомда кўзда тутилганидек, тумандаги Оқтош қишлоқ фуқаролар йиғини ва «Чамбил» маҳалла фуқаролар йиғини кенгашлари томонидан янги маҳалла тузиш тақлифи фуқаролар йиғинига қўриб чиқиш учун киритилди. Унда, албатта, зарурий шарт-шароитлар кўрсатиб ўтилди. Тақлиф йиғинлар томонидан маъқулланиб, бу ҳақда туман ҳокими-га илтимоснома юборилди. Халқ депутатлари туман Кенгашининг сессиясида янги маҳалла ташкил этилди.



бия масалалари бўйича маслаҳатчилари ҳамда «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси сардорлари ҳамкорликда иш олиб бординлар. Улар тегишли ташкилотлар билан биргаликда «Биз диний экстремизмга қаршимиз», «Дунё ва дин», «Экстремизмнинг салбий оқибатлари», «Диний оқимлар ва уларнинг мақсадлари» каби мавзуларда аҳоли ўртасида суҳбатлар ўтказиб, маърузалар ўқишди.

Аҳолининг тиббий ва ҳуқуқий маданиятини ошириш, соғлом зурриётни шакллантириш ва вояга етказиш масалалари ҳам домий эътиборда. Бунинг учун фуқаролар йиғинлари ҳузурида ташкил этилган комиссиялар ва «Ота-оналар университети» фаолияти самарадорлигига эришиш мақсадида услубий ёрдам кўрсатиб келинмоқда.